

## ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ



Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-декабрида Сирдарё вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 8200,5 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг тегишли даврига нисбатан 2,1 % га ўсди.

2018 йил январь-декабри яқунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 9966,6 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 0,4 % га ошди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Сирдарё вилоятининг қўшган ҳиссаси 2,0 % ни ташкил этди.


### Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш (январь-декабрь)

|  | Млрд.сўм      |               | 2017 й. га<br>нисбатан<br>% да |
|--|---------------|---------------|--------------------------------|
|  | 2017 й.       | 2018 й.       |                                |
| <b>I. ЯҲМ</b>                                  | <b>6432,2</b> | <b>8200,5</b> | <b>102,1</b>                   |
| <i>шу жумладан:</i>                            |               |               |                                |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати            | 6188,4        | 7750,1        | 101,9                          |
| Маҳсулотларга соф солиқлар                     | 243,8         | 450,4         | 106,5                          |
| <b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b> | <b>6188,4</b> | <b>7750,1</b> | <b>101,9</b>                   |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги                | 3112,9        | 3895,8        | 97,9                           |
| Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)                | 1546,0        | 2022,4        | 107,1                          |
| саноат   | 1297,6        | 1691,0        | 106,7                          |
| қурилиш  | 248,4         | 331,4         | 109,1                          |
| Хизматлар                                      | 1529,5        | 1831,9        | 104,7                          |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар     | 339,6         | 412,7         | 102,5                          |
| ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа              | 309,8         | 333,3         | 104,3                          |
| бошқа хизмат тармоқлари                        | 880,1         | 1085,9        | 105,7                          |

Худуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат тармоғининг ўсиш суръати 106,7 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 21,8 %), қурилиш – 109,1 % (4,3 %), хизматлар 104,7 % (23,6 %) ни ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғи ЯҲМ таркибидаги улуши – 50,3 %ни ташкил қилиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилининг мос даврига нисбатан 2,1 % га камайган.

### 2018 йил январь-декабрида ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




### иқтисодий фаолият турлари

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 94,5 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 5,5 % ни ташкил этди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши ҳисобот йилида 50,3 % ни ташкил этди ва 2017 йил (50,3 %) билан таққосланганда ўзгариш кузатилмади. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 1,1 % пунктга кўпайиб, 26,1 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 23,6 % ни ташкил этди ва 2017 йил мос даври (24,7 %) билан таққосланганда 1,1 % пунктга камайди.

### Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби (жамига нисбатан фоизда)

2017 йил январь-декабрь



2018 йил январь-декабрь



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

